

**Ходжаев Абдугани Атамирзаевич**

Наманган вилоят Фавкулудда вазиятлар бошқармаси  
Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ўқитиш маркази бошлиғи

## **ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ХАВФИ ТУҒИЛГАНДА ВА СОДИР БЎЛГАНДА ЭВАКУАЦИЯ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимиз аҳолисини турли кўринишдаги фавкулудда вазиятларда эвакуация тадбирларини ташкил этиш борасидаги амалга ошириладиган ишлар, эвакуация режаларига қўйиладиган талаблар, аҳолини эвакуация қилиш усуллари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар.** Аҳолини эвакуация қилиш, эвакуация режаси, фавкулудда вазият ўчоғи, фуқаро муҳофазаси, аҳолини хабардор қилиш тизими, шахсий химоя воситалари, панагоҳлар.

**Ходжаев Абдугани Атамирзаевич**

Наманганское областное управление по чрезвычайным ситуациям  
Начальник Центра обучения безопасности жизнедеятельности

## **ОРГАНИЗАЦИЯ ЭВАКУАЦИОННЫХ МЕРОПРИЯТИЙ ПРИ ВОЗНИКНОВЕНИИ РИСКА ВОЗНИКНОВЕНИЯ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ**

**Аннотация.** В данной статье представлена информация о проводимой работе по организации эвакуационных мероприятий в чрезвычайных ситуациях различного проявления населения нашей страны, требованиях к планам эвакуации, методах эвакуации населения.

**Ключевые слова.** Эвакуация населения, план эвакуации, очаг ЧС, Гражданская оборона, система оповещения населения, средства индивидуальной защиты, панагии.

**Hodjaev Abdugani Atamirzaevich**

Namangan Regional Emergency Management

Head of life Activity Safety Training Center

## **ORGANIZATION OF EVACUATION MEASURES WHEN AND WHEN THERE IS A RISK OF EMERGENCY SITUATIONS**

**Annotation.** This article provides information about the work carried out on the organization of evacuation measures in emergency situations of various manifestations of the population of our country, requirements for evacuation plans, methods of evacuation of the population.

**Keywords.** Evacuation of the population, evacuation plan, emergency hearth, civil defense, system of informing the population, means of personal chemistry, panagokhs.

**Кириш.** Турли кўринишдаги фавкулудда вазиятларда аҳоли хавфсизлигини таъминлашнинг энг самарали усули уларни хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш ҳисобланади [1, 2]. Лекин авария юзага келганда фавкулудда вазият ўчоғи яқинида яшайдиган аҳоли вақт етишмаслиги сабабли, одатда, хавфли ҳудуддан олиб чиқилмай, балки жипс ёпиладиган панагоҳларга жойлаштирилади ҳамда шахсий нафас олиш органларини ҳимоя қилувчи воситалар билан таъминланадилар. Бу биноларнинг барча тирқиш, эшик ва деразаларини ташқаридан ҳаво кирмайдиган қилиб зичлаб ёпилади. Аҳолининг қолган қисми юзага келган шароитга қараб, энг қисқа муддатларда хавфсиз ҳудудга эвакуация қилинади [3].

Авария содир бўлган жойларда фуқароларнинг ҳаммасини ҳам эвакуация қилиб бўлмайди. Уларнинг маълум бир қисми шу ерда қолиб, зарарли моддалардан муҳофаза қилувчи воситалардан фойдаланган ҳолда ташқарига уларнинг чиқишини тўхтатиш чораларини кўрадилар. Бунда жўмракни бураш, зарарли моддаларни бир жойдан иккинчи жойга ҳайдаш,

зарарли модда солинган идишни тузатиш, технологик жараённи ва бошқа сабабчи омилларни тўхтатиш ишлари бажарилади [4, 5].

**Асосий қисм.** Аҳолини эвакуация қилиш – фавқулодда вазиятлар ёки эҳтимолий фавқулодда вазиятлар зонасидан уюшган ҳолда пиёда, транспортда ёки аралаш ҳолда олиб чиқиш ва аввалдан тайёрлаб қўйилган хавфсиз жойларга вақтинча жойлаштириш, шунингдек улар жойлаштирилган ҳудудда ҳаёт фаолияти шароитларини таъминлаш тадбирлари мажмуидир [5, 6]. Эвакуация тадбири Фуқаро муҳофазаси режаси ва фуқаро муҳофазаси бошлигининг кўрсатмалари асосида ташкилланади ва ўтказилади [7]. Ҳар қандай фавқулодда вазиятда эвакуация режаларининг тўғри ва тўлиқ тузилиши ишнинг муваффақиятли кечишини таъминлайди [8].

Режа матнида [9]:

- эвакуация бошлангани ҳақида аҳолини хабардор қилиш;
- тоифага бўлинганлар сони;
- аҳолини вақтинча жойлаштириш ҳудудлари;
- тадбирларнинг бажарилиш муддатлари;
- транспортда олиб чиқиш тартиби;
- кўчириш йўлларида жамоат тартибини ва йўл ҳаракат хавфсизлиги таъминлашни ташкил этиш;
- заруратда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;
- йиғилиш жойларида ва кўчириш йўлларида ҳарбий ҳаракат юз берганда аҳоли муҳофазасини ташкил этиш;
- аҳолини хавфсиз жойларга жойлаштириш, турмуш шароитини яратиш;
- юқумли касалликларга қарши санитария ва эмлаш даволаш тадбирларини ўтказиш.

## Аҳолини кўчириш усуллари [10]:

1. транспортда ёрдамида;
2. пиёда;
3. аралаш.

**Аралаш усул** — энг самарали ва энг мақбул усул ҳисобланади. Бунда, асосан пиёда юра олмайдиган аҳолини транспортда олиб чиқиш режалаштирилади [10]. Аралаш усул фавқулодда вазиятлар зоналаридан аҳолини кўчириш тартибларини энг қисқа муддатда ўтказиш талабларига жуда мос келади. Кўчирилган аҳоли хавфсиз жойларда масхус буйруқ бўлгунча жойлаштириб турилади. Уларни жамоатчилик учун қурилган (меҳмонхона, дам олиш уйлари, бошқа муассасалар) биноларга жойлаштирилади. Кўчирилаётган аҳолини транспорт таъминоти ва вақтинчалик жойлаштириш олдиндан ишлаб чиқилган режа асосида ёки тезкор тартибда амалга оширилади. Кимёвий хавфли моддалар ташувчи транспорт воситаларида ҳалокат содир бўлганда зарарланиш ҳудудидан аҳолини олиб чиқиш ва вақтинча жойлаштириш аниқ вазиятдан келиб чиққан ҳолда олиб борилади. Колоннада ҳаракатланишда ҳар бир гуруҳ бошлиқлари ўз гуруҳларидаги одамларнинг сонини, бегона одамларнинг бўлмаслигини ва орқада қолаётганларни доимо назорат қилиб боради. Колоннанинг ҳаракатланиш тезлиги тахминан 4-5 км/соат бўлиши ва колонналар орасидаги масофа 500 метрни ташкил этиши керак. Колонна биринчи 1-1,5 соат ҳаракатланишидан кейин 10-15 минут дам олишга рухсат этилади. Бунда одамларга тиббий ёрдам олиш имконияти берилади. Иккинчи ва ундан кейинги юришлардан кейин эвакуация қилинувчиларга кўпроқ дам олиш вақти (1-2 соат) берилади. Бу вақтда одамлар иссиқ овқат билан таъминланадилар ва дам оладилар. Мана шундай тартибда аҳоли кўрсатилган хавфсиз ҳудудга етиб боради [10]. Аҳолини муҳофаза қилиш чоралари имкон қадар олдиндан кўрилиши, авария хавфи туғилганда эса мумкин қадар энг қисқа муддатда амалга оширилиши лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 26 декабрдаги “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири).

4. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонуни.

5. Абдуллаев Н., Мўминов А., Абидова Ф. “Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизими раҳбарлари ва тузилма бошлиқларининг функционал вазифалари”, ўқув-услубий қўлланма. -Т: ФМИ. 2007 й. – 119 б.

6. Газиначарова С., Юлдошев О. “Авария қутқарув ишлари, ўқув қўлланма”. - Тошкент ирригация ва мелиорация институти: 2013 й. - 160 б.

7. Галимова Л.Г. “Фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда ва содир бўлганда аҳолини кўчириш”, ўқув - услубий қўлланма. – Т: ФМИ. 2011 й. - 68 б.

8. Галимова Л.Г., Уктамов Н.П. “Организация и порядок проведения эвакуации населения при угрозе и возникновении чрезвычайных ситуаций”, учебно-методическое пособие. - Т.: ИГЗ. 2018 й. –77 ст.

9. Головченко Ф.Ф., Потаценко Ю.П., Семенов В.В. “Эвакуационные мероприятия на объекте”. – Москва: 2007 г.

10. Курбонов Ж.М., Мамарасулов З.Э. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги”, ўқув қўлланма. – СамИСИ: 2016 й. – 272 б.